91058

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1998 йил 6 август пайшанба

Сотувда эркин нархда № 156 (1937)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА

## ЭНГ МУҲИМИ — ИЖРО ИНТИЗОМИ

***Кеча Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг йиғилиши бўлди. Уни қўмита раиси Ўткир Ҳошимов олиб борди. Унда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг Сирдарё вилоятида қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Йиғилишда республика Давлат матбуот қўмитаси, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, журналистлар қатнашдилар.***

Текширишда аниқландики, вилоятда ушбу қонуннинг бажарилиши юзасидан анча ишлар амалга оширилган. Хусусан, вилоят ҳокимлиги бу борада тегишли шарт-шароитларни яратиб бераётир. Айни пайтда 23 та вилоят, шаҳар, туман газеталари, иккита телестудия, учта радиостанция ишлаяпти. Муассислар ва ҳомийлар таҳририятларга ёрдам бериб келмоқда.

Вилоятда бундай ижобий ишлар билан бирга камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ноширлик ишлари талабга жавоб бермайди. Журналистлар ушбу қонун талаблари билан яхши таниш эмаслар. Газеталарда таҳлилий ва танқидий мақолалар ниҳоятда кам берилмоқда. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий саводхонликни оширишга оид мақолалар тақчиллигича қолмоқда.

Қўмита йиғилишида кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди. Текширув давомида аниқланган камчиликларни тугатиш бўйича тавсиялар берилди.

Йиғилишда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева иштирок этди.

**Ойбек Раҳимов,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## РОССИЯ-ЎЗБЕКИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА БАЁНОТ

Шу йил 4 август куни Тошкентда Россия-Ўзбекистон музокаралари бўлиб ўтди. Унда Россия мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари, Қуролли Кучлар бош штабининг бошлиғи, армия генерали А. Квашнин, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Б. Пастухов, бошқа алоқадор идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Музокараларда Ўзбекистон томонидан мудофаа вазири Ҳ. Турсунов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, тегишли идораларнинг масъул ходимлари қатнашди.

Афғонистон шимолида вазият кескинлашгани, у ерда толиблар ҳаракати четдан кўрсатилаётган катта мададга таянган ҳолда Афғонистон муаммосини қурол кучи билан ҳал қилишга уриниб, янги ҳужумни авж олдиргани муносабати билан Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан ўзаро манфаатдорлик ва анъанавий очиқ-ошкоралик руҳида батафсил фикр алмашилди.

Жаҳон ҳамжамиятининг БМТ шафеълигида Афғонистондаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал қилиш борасидаги барча саъй-ҳаракатлари йўққа чиқиши мумкин. Афғон халқининг мамлакат яхлитлигини сақлаб қолиш, миллий тотувликка эришиш, ички муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган хоҳиш-иродаси очиқдан-очиқ инкор этилаяпти.

Афғонистон заминида хунрезлик авж олаётганидан Россия ва Ўзбекистон чуқур ташвишланмоқда. Толиблар ҳарбий ҳаракатларни дарҳол тўхтатмоғи лозим.

Россия ва Ўзбекистон фақат афғонистонликларгина ўз ватани тақдирини ўзлари ҳал этиши, кўп йиллардан буён давом этаётган фуқаролар урушига четдан аралашувларсиз чек қўйиши мумкин, деган фикрга асосланган ҳолда қуролли можарога аралашган барча кучларга мурожаат қилиб, уларни мавжуд муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этишнинг тинч йўлини топишга чақиради.

Россия ва Ўзбекистон вакиллари Афғонистон шимолида ҳарбий ҳаракатлар янада авж олишига йўл қўймаслик, Афғонистон инқирозини тезроқ бартараф этишга кўмаклашиш учун Афғонистондаги бир-бирига қарши курашаётган кучлар вакиллари билан дарҳол учрашишга ҳозирдир.

Россия, Ўзбекистон, шунингдек, Марказий Осиёдаги МДҲга аъзо бошқа давлатлар миллий манфаатлари ва хавфсизлигига бевосита таҳдид солинишига олиб келиши мумкин бўлган Афғонистондаги ҳозирги вазият тўғрисида фикрлашув натижасида томонлар 1992 йил 15 майда қабул қилинган коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ, ўз ташқи чегаралари хавфсизлигини мустаҳкамлашга доир барча зарур чораларни кўриш ҳуқуқини сақлаб қолади.




Қорақалпоғистон. «Элликқалъа текстиль комплекс» ҳиссадорлик жамиятида турли бичимдаги бежирим костюмлар, хилма-хил матолар, болалар учун чиройли кийим-кечаклар тайёрланади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатли ва харидоргирлиги боис кўрилаётган фойда ҳам салмоқли бўлаётир. Корхона ўтган йилнинг ўзида бир неча миллион сўмлик соф фойда кўрди. Ишчиларнинг даромадлари ҳам табиийки, шунга яраша бўлаяпти.

СУРАТЛАРДА: тикувчи Новвотжон Файзиева; цехнинг ички кўриниши.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишда бошқа соҳалар қатори юртимизнинг унумдор тупроғи, сахий қуёшида битган сабзавот, мева, узум маҳсулотларини қайта ишлаш, уларни жаҳон бозорига олиб чиқишнинг аҳамияти жуда катта. Аммо, афсуски, ушбу соҳага мутасадди бўлган «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси тизимига кирувчи корхона ва хўжаликлар мавжуд имкониятлардан самарали фойдалана олмаётирлар. Компания саноат корхоналари жорий йил биринчи ярмида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 81,7 фоиз, халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 84,8 фоиз бажарди. Узум виноси, ароқ ва ликёр ароғи, шампань виноси ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайиб кетди.

Соҳада йўл қўйилган ушбу камчиликлар Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишида ҳам адолатли танқид қилинган эди. Холдинг компаниянинг ҳудудий бирлашмалари, хўжалик ва корхоналар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида мавжуд камчиликлар атрофлича муҳокама этилди ҳамда йил охиригача уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири И. Жўрабеков сўзга чиқди.

**Ўз мухбиримиз.**

ИСТИҚЛОЛ ТАРОНАСИ

### БОБОЛАРДАН МЕРОС МАРДЛАР ЮРТИ БУ!

*Шивирлаб мозийдан чинорлар айтсин,*
*Бир ажиб сукутда минорлар айтсин.*
*Бу кунни чин ёрлар, чинорлар айтсин,*
*Боболардан мерос мардлар юрти бу!*

*Шаҳри Кеш, Самарқанд, Китобларим-эй,*
*Қалбимда жойлашган офтобларим-эй.*
*Эй, сиз ёзилажак хитобларим-эй,*
*Боболардан мерос мардлар юрти бу!*

*Муҳаббат саси бор ол чечакларда,*
*Барчин садоқати келинчакларда.*
*Қанча Алпомиши беланчакларда,*
*Боболардан мерос мардлар юрти бу!*

*Дилсиз қайдасану, дилсиз қайдаман,*
*Сачраниб уйғондим, дилга қайтаман.*
*Юлдузларга чиқиб қўшиқ айтаман,*
*Боболардан мерос мардлар юрти бу!*

**Ғайрат МАЖИД.**

***Газетанинг бугун нашрдан чиққан иккинчи сонида ҳам муштарийлар билан мулоқотлар, мунозараю мулоҳазалар давом эттирилган. Ҳафталикнинг дастлабки саҳифаларидаги дунёда ва республикамизда юз бераётган ўзгаришлар, қоғоз саноатимиздаги аҳвол, табиат ва инсон муносабатлари хусусидаги қайдлар, маънавий ҳаётимиздаги янгиликлар газетхонларни бефарқ қолдирмас, деб ўйлаймиз.***

### ЯНГИ БЎРКЛИ «ДАВР»

Олим Поён Равшановнинг «Ўғирланган жавоҳирлар» мақоласи, Анвар Шариповнинг «Келажагини яратаётган халқ», «Одам танаси учун эҳтиёт қисмлар» мақоласининг давоми, Абдумўмин Тиловнинг «Эҳтиёт бўлинг, қурол!» репортажи, Саид Анварнинг «Яхшиям пул бор жаҳонда» ҳажвияси ва бошқа мақолалар ҳам ўз ўқувчиларини топиши шубҳасиз. Ҳангомалар, психотест, мунажжимлар башорати, бошқотирма ва турфа суратлар эътиборингизга ҳавола этилган.

Энг муҳими, «Давр» ўзининг янги бўркини кийган — сарлавҳасини янгилаган. Демак, мулоқотларимиз давом этади.

МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН ИМКОНИЯТ

## ВИЛОЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "1998-2000 йиллар даврида Наманган вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори вилоят аҳлини беҳад руҳлантириб юборди. Бинобарин, тарихий аҳамиятга молик бундай ҳужжат илк бор қабул қилинди. Қарорда кўрсатилган маблағлар ҳисобига жуда катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади, ерлар ўзлаштирилади, қўшма корхоналар барпо этилиб, бир қатор маҳсулот турларини чет элларга экспорт қилиш имконияти вужудга келади. Энг асосийси, вилоятда минглаб янги иш ўринлари ташкил этилади. Қуйида наманганликларнинг юқоридаги қарорга муносабатларини эътиборингизга ҳавола этамиз.***

**Алижон ФАЁЗОВ — Поп туманидаги фермер хўжалиги раҳбари:**

— Фермерлик ишини энди чинакамига ривожлантириш мумкин. Шу пайтгача унумдор ер олиш учун озмунча куч-ғайрат сарфламадим. Қийин шароитда ер майдонини 255 гектарга етказдим. Қарамоғимда 800 бош қорамол, 15 та от бор. Гўшт етиштиришда муайян натижаларга эришяпмиз. Бироқ сув танқислиги оқибатида ернинг унумдорлиги паст. Бу фермер хўжалиги ишини жадал ривожлантириш имконини бермайди.

Кўплаб тараққий этган мамлакатлардаги фермерларга ҳавасим келарди. Уларнинг ер майдонлари, сув тармоқлари, техникаси, мини корхоналари бор.

Йўлбошчимиз ташаббуси билан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори биз фермерларнинг эртанги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамлади. Катта мақсадларда бошланган иш яхши самара бериши шубҳасиз. Биргина бизнинг туманимиз ерларини ўзлаштириш, суғориш тармоқларини қуриш учун республика бюджетидан 16,5 миллиард сўм ажратилиши тарихий воқеадир.

Бир неча минг гектар ернинг ўзлаштирилиши, қудратли насос станцияларининг фойдаланишга топширилиши ишсиз юрганлар бандлигини таъминлабгина қолмай, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Келажакда маҳсулотларимизни чет элларга экспорт қилиш имкониятларига эга бўламиз, деган умиддаман.

**Жавлон ЙЎЛДОШЕВ — Наманган "Агросаноатқурилиш" ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари:**

— Шу пайтгача ҳам Наманган-Тошкент йўли инфраструктурасини ривожлантириш соҳасида бир қатор ишларни амалга оширган эдик. "Ўзавтосаноатсервис" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти буюртмаси билан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш тармоғи қурилишини ниҳоясига етказдик. Шунингдек, Тошкент-Ўш автомагистралининг 143-километрида йўловчиларга хизмат кўрсатадиган 40 ўринли меҳмонхона биносини қуришни режалаштирганмиз.

Ҳукумат қарори билан вилоятимизга катта миқдорда маблағ ажратилиши мамлакатимиз раҳбари тутган йўлнинг тўғрилиги ва республикамиз иқтисодиётининг бақувват эканлигидан далолатдир.Бунга жавобан биз сидқидилдан меҳнат қиламиз. Эътиборимизни иш сифатини яхшилашга, суръатини кўтаришга қаратамиз.

**Исоқжон ШОКИРОВ — "Наманганавтойўл" бирлашмаси раиси:**

— Мазкур қарор биз учун имтиёз эмас, катта масъулиятдир.

Дастурга асосан Тошкент-Ўш автомобиль йўлининг вилоятимиз ҳудудидаги қисмида жуда катта ишлар амалга оширилади. Жумладан, Резак қишлоғида 50 ўринли қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилади. Шу даврда иккита йўл устаси уйи, иккита таъмирлаш устахонаси битказилади. Шунингдек, янги йўналишда 11,7 километрли йўл қурилади. Яқинда Резак довонидаги 330 метр узунликдаги тоннелнинг иккинчи йўли очилади. Ҳозир пардозлаш ишлари бошлаб юборилган. Мазкур тоннел йил охиригача ишга туширилади.

Қамчиқ довонидаги 910 метр узунликдаги тоннелнинг қурилиши жадал боряпти. Ҳукуматимизнинг амалий ёрдами биз йўл қурувчиларни барча имконият ва куч-қувватни ишга солиб навбатдаги режаларни муваффақиятли бажаришга даъват этяпти.

**Абдусаттор ТИЛЛАЕВ — Чуст туманидаги Олмос қишлоғи фуқароси, меҳнат фахрийси:**

— Республикамиз ҳукумати томонидан вилоятимизга берилган ёрдам тўғрисидаги хабар ҳамқишлоқларим қатори мени ҳам беҳад қувонтирди. Негаки, кўплаб ҳамқишлоқларим ёз ойларида иш ахтариб турли вилоятларга йўл олишади. Не-не қийинчиликларга дуч келишади. Энди эса Чуст, Поп туманларида кўплаб ер майдонлари ўзлаштирилиб, деҳқон хўжаликлари ташкил топади. Ҳақиқий фермерлар иш бошлайди. Ўзим бир умр пахтачилик соҳасида бригадир бўлиб ишлаганман, аммо ерга чинакам эгаликни ҳис этмаганман.Эндиликда ер ҳақиқий эгасини топгач, кўнгилдагидек натижаларга эришилади. Бундай имкониятни эса олмосликлар қўлдан бой беришмайди. Улар янги ерларни ўзлаштиришда фаол қатнашадилар. Биз бу сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз. Фурсатдан фойдаланиб, бу хайрли ишларнинг ташаббускори бўлган йўлбошчимизга бутун Наманган вилояти меҳнаткашлари номидан катта миннатдорлик билдирамиз.

**Фарҳод Йўлчиев.**
**(ЎзА)**

Қонун барчага баробар

## ИСЛОҲОТ ТАҚДИРИГА БИЗ ҲАМ ЖАВОБГАР

Прокуратура идоралари фаолияти мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларида қонун устуворлигини, барқарорликни таъминлашга сафарбар этилгандир. Бу борада маълум ижобий натижаларга эришилмоқда. Бироқ ҳозирги вазият ишимизни танқидий нуқтаи назардан таҳлил этишни тақозо этмоқда. Шу тамойилдан келиб чиқиб баҳолайдиган бўлсак, жойларда қонунларга амал қилиниши устидан прокурор назоратида ўта жиддий муаммолар борлиги аён бўлади.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг биринчи ярим йилликдаги якунлари муҳокамаси натижалари ана шундан далолат беради.

Келинг, ижтимоий-иқтисодий соҳада «Оила йили» учун мўлжалланган давлат Дастурининг қандай бажарилаётганига бир назар ташлайлик. Давлат Дастурига биноан республика бўйича режалаштирилган 193 та қишлоқ тиббиёт пунктларидан 128 таси қурилган, 1030 та касалхона ўрнига 320 та, 60,3 минг болага мўлжалланган қўшимча синфхоналари ва умумтаълим мактаблари ўрнига 19 минг-та, 6,5 млн. кв. метр уй-жой қуриш ўрнига 3,4 млн. кв. метр уй-жой қурилган, мўлжалдаги 2,1 минг км. ўрнига 980 км. сув қувурлари, 5,1 минг км. ўрнига 2,4 минг км. табиий газ ўтказилган. Аҳоли 7,2 минг ўрнига 2,2 минг миқдорида телефон номерлари билан таъминланган. Шу мақсадларга ажратилган маблағ ва моддий ресурсларнинг ўз вақтида, мақсадли ишлатилиши ва ушбу соҳадаги қонунларнинг жойларда аниқ бажарилиши устидан прокуратура идоралари назорат қилишлари керак.

Шуни таъкидлаш керакки, кейинги пайтларда Наманган, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида аҳолининг етилган ижтимоий муаммоларига эътиборсизлик билан қараш ҳоллари муттасил юз бермоқда. Қашқадарё вилоятида режадаги 15 та қишлоқ тиббиёт пунктидан 8 таси қурилмаган. Ёки 2 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган Андижон вилоятида 5,4 минг ўринли мактаблар қурилиши режаси 1,2 минг ўринга бажарилган. Ушбу дастурнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятларига тааллуқли қисмлари ижросиз қолаётгани аллақачон ушбу ҳудудлар прокурорларини ҳушёр торттириши керак эди.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазасига йўналтирилган қонунлар ижроси устидан прокурор назорати Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида талаб даражасида эмас. Ночор оилаларга нафақа тайинлаш ва моддий ёрдам бериш ҳақидаги рад этилган аризалардан биронтасининг ҳам қонунийлиги ўрганилмаган. Шу мақсадга ажратилган 3 миллион сўмлик маблағларнинг ноқонуний сарфлангани, талон-тарож қилингани то марказий маҳкама томонидан бориб текширилмагунча аниқланмаган.

Қарши шаҳри, Чироқчи ва Косон, Зафаробод, Мирзачўл ва Фориш туманларида бу қонунбузарликлар авж олгани ҳолда бирон-бир прокурорлик таъсир чоралари кўрилмаган. Нишон туманида бу масала юзасидан уч йил давомида бирон иш қилинмаган. Беғамликни қарангки, бу йўналишдаги топшириқлар ҳозирга қадар Баҳористон тумани прокуратурасига етиб бормаган. Сурхондарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларида ҳам бу йўналишда назорат сусайтириб юборилган, кескин чоралар кўрилмаган.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги аҳвол анча жиддий. Республикада айрим юқумли касалликлар бирмунча ошганлиги қайд этилган.

Мулк шакли ўзгаргани билан меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига оид қонунларнинг моҳияти ўзгармади. 1997 йилда ишлаб чиқаришда бир ярим мингдан зиёд бахтсиз ҳодиса рўй берган, 265 киши, жумладан, хотин-қизлар, ўсмирлар ҳалок бўлган ва жароҳатланганлар. Бахтсиз ҳодисалар оқибатида 52252 ишчи куни йўқотилган ва 65 млн. сўмлик иқтисодий зарар етказилган. Меҳнат бўйича техника инспекциялари томонидан солинган жарима 50 фоизга ундирилган, холос.

Прокурорнинг вазифаси бахтсиз ҳодиса қайд этилгандан кейин текшириш ва суриштирув ўтказиш билан чекланмайди. Бундай калта ўйлаш, салбий шарт-шароитларни бартараф қилиш ўрнига жиноят бўлишини кутиб ўтириш давлатнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам манфаатларига катта зарар етказишини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак.

(Давоми 2-бетда).

